



Аттор хаётда кўп бора кийинчилик ва талон-тарожларга дуч келган, қисматнинг огир синовлари, ларзаларини бошдан кечирган, хотиржам яшаш имконияти унда жуда оз бўлишига қарамай, унинг ижодиёти барибир самарали кечган. У хар томонлама, чуқур ахамиятга эга талай асарларни келажак авлодларга абадий мерос қилиб қолдирган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкиратуш-шуаро” асарида Аттор асарларининг умумий ҳажмини икки юз эллик минг байтга яқин, деб кўрсатгани маълум.

Олмониялик шарқшунос олим Хелмут Риттернинг “Ислом қомуси”да босилган маълумотида Аттор асарлари ёзилиш тартиби бўйича қуйидагидек кўрсатилган: 1) “Хайдарнома”. Бу асар давримизгача етиб келмаган. 2) “Девон” – шеърлар. 3) “Жавохирнома”. 4) “Шархул-қалб” – “Қалб шарҳи”. Сўнги икки асарни Атторнинг ўзи йўқотган. 5) “Хусравнома”. 6) “Асрорнома”. 7) “Мантукут-тайр”. 8) “Мусибатнома”. 9) “Мухторнома”. 10) “Илохийнома”. 11) “Булбулнома”. 12) “Панднома” (“Насихатнома”). 13) “Тазкиратул-авлиё” (“Авлиёлар тазкираси”). 14) “Меърожнома”. 15) “Гумгумнома”. 16) “Вуслатнома”. 17) “Уштурнома”. 18) “Жавхаруз-зот”. 19) “Халложнома”. 20) “Басирнома”. 21) “Мазхарул-ажойиб” (“Мўъжизанинг кўриниши”). 22) “Лисонул-гайб” (“Гойиблар тили”). Юқоридагилардан ташқари “Хафт водий” (“Етти водий”), “Хайиатнома” (“Тўқувчилик ҳақида”), “Васиятнома”, “Қанзул-хақойик” (“Ҳақиқатлар ҳазинаси”), “Қанзул асрор” (“Сирлар ҳазинаси”). “Ихвонус сафо” (“Пок биродарлар”), “Валаднома” (“Тугилиш ҳақида”). “Мифтоҳул-футуҳ” (“Фатҳлар қалити”) қаби қатор асарларнинг муаллифани тадқиқотчилар Аттор деб қарашади.

Хелмут Риттер Аттор асарларини мазмун ва услуб жиҳатидан уч даврга бўлиш мумкин деб қарайди:

Биринчи давр: Аттор шеърининг борлиқ сирини яхши биладиган санъаткор устоз сифатида кўзга ташланади. Асарларидаги қичик қаржавали (қошияли) ривоятларга тасаввуфга ҳос маъно ва мазмунларни жуда қучли маҳорат билан сингдирган ҳолда амалга оширади.

Иккинчи давр: Аттор ижодида режа ва тартибга унчалиқ ахамият берилмайди. Атторнинг ўзига ҳос фазилатларидан бири шуки, шеърини асарларида бир сўз-қабар мисранинг бошида давомли тақрорланиб қелади. Ҳатто бир сўз, қетма-қет ҳаяжон билан юз маротабадан кўпроқ тақрорланадиган ҳоллар ҳам мавжуд. Аттордаги бу ҳусусият дунё адабиётида деярли учрамайди.

Учинчи давр: Атторнинг ҳаяжонли, шиддатли ижодиёти бироз сустлашгани кўринади.

“**Девон**” – Атторминг газал ва бошка лирик шеърларидан таркиб топган шеърлар тўплами бўлиб, унда Атторминг тасаввуф гоёлари бир хил лирик туйгуларда йўгрилиб ифодаланган.

“**Хусравнома**” – маснавий шаклида ёзилган ишк-мухаббат достони бўлиб, дostonда Рум салтанати императори Кайсарнинг бир канизагидан бўлган ўгли – Хисрав билан Хузистон подшоҳининг кизи Гул ўртасидаги мухаббат воқеалари тасвирланган.

“**Асрорнома**” – Атторминг тасаввуф руҳи билан сугорилган дostonларидан биринчисидир. Дoston йигирма олти маколатдан (бобдан) иборат бўлиб, тасаввуфга хос мазмунлар киска хикоялар воситасида изохланган.

“**Мантикут-тайр**” – Атторминг энг машхур асари. Дostonда Атторминг фалсафий карашлари, тасаввуф тушунчаси нозик, атрофлича шархланган. Дoston асосан хикоя ва кўпгина кисса, ривоятлар, масал, маталлардан таркиб топган.

“**Мухаббатнома**” – бу дoston хам Атторминг тасаввуф гоёлари билан сугорилган. Дostonда бир солик (сулук аҳли, тарикат йўлига кирган мурид) пирнинг амри билан илохий зотни излаб, рух аршига саёхат килади, Исрофил, Микоил, Азроил ва бошка фаришталар ёрдамида жаннат, жаханнам, куёш, ой, тўрт аносир, тўрт унсур тоғ, денгиз, хайвонот, кушлар, Иблис, Одам, Нух, Иброхим, Мусо, Довуд, Исо, Мухаммад, Акл, Хис, Хаёл, Калб ва Жон билан учрашади. Энг охири у илохий зотни ўз калбидан топади. Бу дostonнинг асосий хикояси илохий зотни излаш жараёнидаги кайгу-аламларнинг баёнидан иборат бўлиб, унга яна кўпгина кичик хикоятлар хам киритилган.

“**Илохийнома**” – ушбу дoston уч юздан зиёд хикоят ва киссадан таркиб топган. Унда бир подшоҳ ўзининг олти ўглини хузурига чорлаб: “Дунёда энг яхши кўрадиган нарсанглар нима?” деб сўрайди. Подшоҳнинг биринчи ўгли парилар подшоҳининг кизини, иккинчи ўгли сеҳргарликни, учинчи ўгли Жамшиднинг жомини, тўртинчи ўгли обихаёт (тириклик суви)ни, бешинчи ўгли Сулаймон узугини, олтинчи ўгли олтинларга эга бўлишни яхши кўришларини баён киладилар. Подшоҳ олти ўглининг орзусига карата тасаввуф гоёсидаги ибратли хикояларни келтириб, уларни тўгри йўлга ундайди. Бу хикоятларда Атторминг подшоҳ тилидан берган мулохазалари алоҳида ахамиятга эга.

“**Булбулнома**” – кичик бир дoston бўлиб, унда кушлар Сулаймон пайгамбарга: булбул сахарлари гулнинг ишкида сайраб оромимизни бузаяпти, деган мазмунда арз килади. Сулаймон пайгамбар булбулни хузурига чакиртиради ва бунинг учун уни бир умр фарёд чекишга амр килади.

“**Панднома**” – бу асар Атторминг одоб-ахлоқ масалаларига багишланган дидактик достони бўлиб, унда инсонлар турмушидаги хар хил яхши-ёмон ақида-удум, иш-харакат, сўз ва ходисалар чуқур амалий асослар билан ижобий нуктадан шархлаб берилган. Мазкур асар Эрон ва Ўрта Осиё музофотида таълим-тарбия ишларидаги энг мухим дарслик каторида кўлланилган.

“**Тазкиратул-авлиё**” – Атторминг насрий шаклда ёзилган бирдан-бир асари бўлиб, унда талай авлиёларнинг ижод йўллари ёритилади. Асар тасаввуф таълимотининг тараккиёт жараёни ва гоёвий асосларини тадқиқ этишда мухим манба сифатида улкан ахамиятга эгадир.

“**Меърожнома**” асарида эса пайгамбар Мухаммад алайхиссаломнинг Бурокка миниб, еттинчи осмонга чиққанлари ва у ерда Аллохнинг жамолига муяссар бўлганлари хақидаги Меърож воқеаси баён қилинган.

“Гумгумнома” асари кичик бир хикоятдан иборат бўлиб, унда Исо пайгамбар чўлда бир бош суякни топиб олиб, дуо билан уни тирилтиради ҳамда у билан сухбатлашади. У етти иклимга хукмрон бўлган бир подшоҳнинг боши бўлиб, пайгамбарга ўз кечмишларини сўзлаб беради. Исо алайхиссалом уни иймонга даъват қилади, у иймонга келиб бир фурсатдан кейин яна бунгача бўлган асли холатига, охираат дунёсига қайтади.

“Вуслатнома” – ушбу асар ваҳдати вужуд гоёлари ва сўфийларга хос хикоятлардан таркиб топган бўлиб, унда Мансур Халлож воқеаси асосий ўринда туради.

“Уштурнома” – асосан хикоятдан иборат бўлса-да, лекин баён қилиш усули таркок бўлиб, бу асарда такрорий жумлалар жуда кўп учрайди. Асарнинг марказий гоёси тасаввуф таълимотини олдинга суради. Асарда бир кўгирчок ўйнатувчи ўз кўгирчокларини сахнада навбатма-навбат ўйнатгандан сўнг, сандикка солиб кулфлаб кўяди. Аттор бу орқали илохий зотнинг оламдаги махлукотларни ана шу кўгирчок каторида кўришига ишора қилади. Асардаги яна бир хикоятда бир мурид илохий зотни излаб етти қават сирлар пардасини очади ва охири гаройиб бир аҳвол остида ўзликни тушунади. Гойибдан келган бир садо орқали мурид бир мазордан сирли бир китобни топиб олади. Китобда илохий зотга етишнинг йўллари кўрсатилган бўлиб, бу йўл Мансур Халложнинг фано таълимоти, яъни илохий зотни излаган одам ўзининг жисмоний истакларидан қутулиш зарурлиги ҳақидаги фикри бўлиб чиқади. Бу асардаги хикоятларнинг деярли ҳаммаси рамзий маънога эгадир.

“Жавхаруз-зот” – асаридаги асосий фикр оқими фанолик бўлиб, унда томчининг денгизга кўшилганига ўхшаш инсоннинг илохий зотга кўшилиши йўлидаги оташин истаклар ўз ифодасини топган. Асарнинг асосий қисмини вужуддаги илохийликни тушуниб, ўзини денгизга отган бир ёш боланинг хикояси ташкил қилади. Асарда яна, чўлда ўсган бир қамишнинг илохий сирлардан хабардор бўлгани, қамиш қесилиб най қилингандан кейин, ўша сирларни қош қилгани воқеаси хикоя қилинади. Асарда ўртага қўйилган яна бир гоё, инсон ўзининг моддий вужудида кичик илохий жавахирни асраши керак, шундай қилгандагина илохий зотни билиш шарафига муяссар бўлади, деган фикрдан иборатдир. Аттор бу асарда умуман илохий зотнинг васлига етишиш мумкинлиги ҳақидаги юксак гоёларни шарҳлайди.

“Халложнома” — Аттор бу асарида асосий мақсадни Халложнинг фазилатларини баён қилиш ва шарҳлашга қаратади. Аттор Мансур Халлож ва унинг гоёсини юксак даражада идеаллаштириб, уни ҳақиқатни таниб етган барқамол инсон рамзи деб қарайди.

“Басирнома” – Атторнинг кичик дostonларидан бири бўлиб, унда ҳам фано, бако, илохий зотнинг руҳи ва нурига ўзини бахшида қилиш масалалари олға сурилган.

“Мазхарул-ажойиб” – бу асар Аттор ижодиётининг учинчи даври бошлаганини кўрсатади. Дostonда ҳазрати Али сиймоси асосий ўринда туради. Ундан бошқа Атторнинг ҳаёти, таржимаи холига оид қиска парчалар ва Атторга алоқадор бошқа маълумотлар ҳам мана шу асардан ўрин олган.

“Лисонул-гайб” – Атторнинг машҳур асарларидан бири бўлиб, унда Ҳазрати Али ва унинг авлодлари ифтихор билан улуғланади. Атторнинг ўткинчи дунё гавголаридан ҳалос бўлиб, узлатда, танҳо холда ўзини худога бағишлаш ҳислари ҳақидаги ошиқларга хос қараш ва мулоҳазалари баён қилинади.

Юқоридаги асарлар ичида “Жавхаруз-зот” уч китобдан иборат бўлиб, “Халложнома” билан “Вуслатнома” шу асарга тааллуқли икки китоб ҳисобланади, деган қарашлар ҳам мавжуд. Ҳатто баъзилар: юқоридаги асарлар ичидаги айрим машҳур асарларни Атторга тааллуқли эмас, бошқалар томонидан ёзилган, деганга ўхшаш қарашларни ҳам ўртага

кўйишган. Булар хали Актор асарларини излаш, тадқиқ қилиш ҳамда нашр этишни тақозо этадиган мураккаб жараёнлардан биридир, дейиш мумкин.

Уйгурчадан Хабибуллох ЗАЙНИДДИН таржимаси